

Аллоҳим, мени улар ўйлаганидан ҳам яхшироқ қилгин!



10:29 / 25.10.2018 2763

Асмоъий шундай ҳикоя қилади: “Буюк саҳобий Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ўзлари ҳақида мақтов эшитсалар, шундай дер эдилар: “Аллоҳим! Сен мени ўзимдан ҳам яхшироқ биласан. Мен эса ўзимни улардан кўра яхшироқ биламан. Аллоҳим, мени улар ўйлаганидан ҳам яхшироқ қилгин. Улар билмайдиган гуноҳларимни кечиргин. Улар айтган нарсалар билан мени жазоламагин”.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу яна: “Қанийди мўмин банданинг бир тола сочи бўлиб қолсам” ёки баъзи вақтларда: “Қанийди ҳайвонлар ейдиган ўт-ўлан бўлиб қолсам”, дер эдилар.

Изоҳ: Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу бу гапларни бежиз айтмаганлар. Ул зот охират куни Яратган Зот – Аллоҳ таолонинг ҳузурда бўладиган савол-жавобнинг қанчалик даҳшатли бўлишини ҳис қилганларидан, у куннинг масъулияти ўта оғир бўлишини билганларидан шундай дер эдилар.

Муаллиф: Ҳоний ал Ҳаж